ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.T.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАСУЛОВ ФАХРИТДИН РАУПОВИЧ

ЮҚОРИ МУРАККАБЛИКДАГИ МАЖМУАВИЙ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАЛИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИНИ БОШҚАРИШ ҚАРОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ КЎП АГЕНТЛИ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш (техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК 519.711

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдурасулов Фахритдин Раупович
Юқори мураккабликдаги мажмуавий технологик схемали саноат корхоналарининг ҳаётий циклини бошқариш қарорларини қўллаб-қувватлашнинг кўп агентли тизимларини ишлаб чиқиш 3

Абдурасулов Фахритдин Раупович
Разработка многоагентных систем поддержки решений по управлению жизненными циклами промышленных предприятий с комплексными технологическими схемами высокой сложности 21

Abdurasulov Fakhritdin Raupovich
Development of multi-agent support systems for life cycle control solutions for industrial enterprises with complex technological schemes of high complexity.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……...……..…….....43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.T.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАСУЛОВ ФАХРИТДИН РАУПОВИЧ

ЮҚОРИ МУРАККАБЛИКДАГИ МАЖМУАВИЙ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАЛИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИНИ БОШҚАРИШ ҚАРОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ КЎП АГЕНТЛИ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш (техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/T700 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Адилов Фарух Тулкунович** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Марахимов Авазжон Рахимович** техника фанлари доктори, профессор
	Авазов Юсуф Шодиевич техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» 10 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (164 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «8» 10 куни тарқатилди.
(2020 йил «19» 09 даги 20 - рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Юсупбеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

У.Ф.Мамиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.З.Игамбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни бошқаришнинг замонавий концепциялари бошқариш жараёнларини инсон-машинали ташкил этиш парадигмасига асосланган бўлиб, мураккаб тизимлар ҳаётий циклини барча босқичларида бошқариш қарорларини қабул қилиш роли инсонга юкланади, ҳисоблаш машиналари эса қарорнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш босқичларини ахборотли қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Бу борада бошқаришнинг ҳаётийлиги, хавфсизлиги, самарадорлиги билан бир қаторда, замонавий бошқариш тизимлари ишончлилигини ошириш учун қарорларни қўллаб-қувватлашнинг кўп агентли тизимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шундан келиб чиққан ҳолда, ноаниқлик шароитларида мураккаб технологик жараёнларни бошқариш масалаларини ечишда қўллаб-қувватлашнинг кўп агентли тизимларидан фойдаланиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда яратилаётган тизимлар ҳаётий циклининг турли босқичларида якуний фойдаланувчини анъанавий ва истиқболли ахборот технологияларини амалга оширувчи технологик ўзаро боғланган сервислар тўплами ёрдамида инфокоммуникацион қўллаб-қувватлаш ҳисобига мураккаб объектларни бошқариш масалалари ечимларини тўғрилигини таъминловчи қарор қабул қилиш тизимларидан фойдаланиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, мақсадли йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш, жумладан, бошқариш тизимлари қарорларини қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимларни ишлаб чиқиш, қарорларни қўллаб-қувватлашнинг интеллектуал тизимларидан фойдаланиш ҳисобига мураккаб тизимларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш, самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда саноат корхоналарининг ҳаётий циклини фаол бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи юқори самарадор кўп агентли тизимларни ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, «Саноат 4.0 ва рақамли иқтисодиёт» услубиятларига мос келувчи, юқори мураккабликдаги замонавий мажмуавий технологик схемалари амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»[1] вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, саноат корхоналарининг ҳаётий циклини бошқариш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

бўйича қарорларни қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон «2017-2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантириш ва диверсификациялашни тезлаштириш, бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон «Илмий-тадқиқот муассасалари инфратузилмаларини янада мустаҳкамлаш ва инновацияларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мураккаб технологик тизимлар, шубҳасиз кўп агентли тизимлар ҳаётий циклини бошқариш муаммолари билан “Honeywell”, “Allen Bradley”, “Emerson Electric”, University of California, University of Technology (АҚШ), “Siemens”, University of Munster (Олмония), «ABB» (Швейцария), Imperial College (Буюк Британия), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея),Духов номидаги Бутунроссия илмий-тадқиқот институти (Россия), ТошДТУ (Ўзбекистон) ва бошқа етакчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари шуғулланмоқда.

Саноат корхоналарининг ҳаётий циклини барча босқичларида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимлар муаммоларига J.F.Steffe, J.I.Lohrenz, R.A.Brown (АҚШ), M.Brizard, C.Verdier (Франция), Gert Böhme, J.F.Richardson, Bernard Coleman (Олмония), И.З.Батиршин, С.В.Ульянов, В.Б.Тарасов, А.Н.Аверкин (Россия) ва бошқа хорижий олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган. Мазкур диссертация тадқиқотида илгари сурилаётган илмий муаммо ечимларига мамлакатимиз олимларидан Д.А.Абдуллаев, М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмутатов, Н.Р.Юсупбеков, Т.Д.Раджабов, Х.З.Игамбердиев, Қ.Р.Аллаев, Р.А.Зохидов, С.С.Қосимов, А.А.Казиров, Ш.Х.Фазилов, Ф.Т.Адилов, А.Р.Марахимов, М.М.Каримов, С.К.Каримов, М.М.Мусаев ва бошқалар ўзларининг ҳиссаларини қўшишган.

Кўп агентли тизимларни алоҳида тадқиқот объекти сифатида амалга ошириш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлили, ўзаро таъсирлашувчи интеллектуал агентларнинг очиқ бирлашуви каби қурилган иловаларни ишлаб чиқишнинг замонавий парадигмаларини амалга оширишда, юқори мураккабликдаги мажмуавий технологик схемали саноат

корхоналарининг ҳаётий циклини бошқариш шароитларида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимларни ишлаб чиқиш масалалари кам тадқиқ этилганлиги ва тугалланмаганлигидан дарак беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг Ф-4-56 – «Ноаниқ тўпламли муносабатлар асосида мураккаб технологик объектларни бошқаришнинг интеллектуал тизимларини структуравий-параметрик синтезлаш усуллари ва назарий асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2016) мавзудаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади такомиллаштирилган (илғор) бошқариш ва оптималлаштириш концепцияси ҳамда замонавий АТ-технологияларидан фойдаланган холда технологик комплекс ва қурилмаларниг самарадорлигини ошириш учун юқори мураккабликдаги мажмуавий технологик схемали саноат корхоналарининг ҳаётий цикли (ҲЦ)ни бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимлар (КАТ)ни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳаётий циклни бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимларни, шунингдек ахборот-ўлчаш тизимларини қуриш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда уларни келгуси ривожланиши ва такомиллашувини аниқлаш;

ҳаётий циклни фаол бошқаришни кўп агентли технологияларини амалга ошириш орқали мураккаб кўп поғонали ахборот-бошқариш тизимларини аналитик бошқаришни концептуал асосларини шакллантириш;

тақсимланган координацияли бошқаришнинг кўп поғонали МАТ ларини қуришнинг агентли-йўналтирилган технологияларини асослаш;

мультиагентли ахборот-бошқариш тизимларини синтезлаш масалаларида концептуал моделлаштириш;

технологик жараёнлари узлуксиз юз берувчи саноат корхоналарида ахборот-бошқариш тизимларининг корпоратив лойиҳалаш тизимлари федератив архитектураларини ишлаб чиқиш;

ахборот-бошқариш тизимларининг ҳаётий циклини барча босқичларида уларни ахборотли қўллаб-қувватлашни амалга оширишга бўлган мультиагентли ёндашувни ишлаб чиқиш;

кўп агентли схемаларда сўровлар алмашинувини ташкил этиш;

рақамлаштириш ҳамда Forge дастурий-аналитик платформани қўллаш асосида саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш концепциясини асослаш;

ахборот-бошқариш тизимлари ҳаётий циклини бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимни синов-саноат тажрибасидан ўтказиш ва амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти ахборот-бошқариш тизимлари (АБТ) ҳаётий

циклини бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни бошқариш учун қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи мультиагентли тизимларни қуриш моделлари, усуллари ва алгоритмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда мураккаб кимёвий технологиянинг жараёнлари ва тизимларини тизимли таҳлил қилиш, автоматик бошқаришнинг замонавий назарияси, сунъий интеллект назарияси, кўп агентли тизимлар, қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимлари, саноат маҳсулотлари ҳаётий циклини бошқариш, математик мантиқ, система-техника усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

агентларнинг ассоциатив ўзаро таъсирларига асосланиб тақсимланган бошқариш объекти элементлари хулқининг модели ишлаб чиқилган;

Устюрт газкимё мажмуасининг ишлаб чиқариш кластери учун кўп агентли интеграллашган ахборот-бошқариш тизими (АБТ) ва унинг дастурий-услубий мажмуаси ишлаб чиқилган;

тақсимланган маълумотлар базалари ҳамда ахборот оқимларини интернет/интранет технологиялари ёрдамида интеграциялаш тизими ишлаб чиқилган;

рационал интеллектуал агентнинг модели қарор қабул қилиш жараёнининг дастурий инфоботи сифатида ишлаб чиқилган;

ноаниқлик ва хавф-хатар шароитларида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи тизим алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ахборот-бошқариш тизимларининг ҳаётий циклини фаол бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи мультиагентли тизимларнинг алгоритмлари ишлаб чиқилган;

интеллектуал рационал агентнинг хулқини моделлари таклиф этилган;

ташқи ва ички ахборотлар ноаниқлиги шароитида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш масалаларинингдастурий таъминотива алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ахборот-бошқариш тизимларининг федератив архитектураси ўзида қуйи майдондаги автоматика тизимлари, технологик жараёнларни бошқаришнинг оператив-диспетчерлик тизимлари ва ресурс ва захираларни бошқаришнинг юқори сатҳли тизимларини бирлаштирувчи кўп агентли тизим кўринишида ишлаб чиқилган;

Дастурий амалга оширилган SCADA тизими асосида Устюрт газкимё мажмуасида компьютерли тренажёр мажмуаси яратилган ва фойдаланилмоқда, унда республикамизнинг нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати операторлари ва диспетчерлик хизмати ходимлари тайёргарликдан ўтмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг илмий ишончлилиги ва асосланганлиги замонавий бошқариш

назариясининг анъанавий математик аппаратини қўлланилиши, назарий натижаларнинг мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни илғор бошқариш тизимларини маълум прототипларини саноат синовлари натижаларига тўла мос келиши, синов-саноат тажрибаларининг ижобий натижалари ва диссертация ишланмаларининг жорий этилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мультиагентли тизимларнинг, мавжудларидан фарқли равишда, агентларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига атроф-муҳитнинг реакциясини муҳитнинг интерактив моҳияти сифатида эътиборга олувчи моделини шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рақамлаштириш ҳамда Honeywell фирмасининг FORGE дастурий-аналитик платформасини қўллаб, шунингдек Experion PKS тизими ва Master Logic 200R дастурланадиган мантиқий контроллеридан фойдаланиб, «Uz-Kor Gas Chemical» ТЖАБТ ишланмалари асосида саноат корхоналари ва уларнинг ахборот-бошқариш тизимлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияни амалга ошириш ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори мураккабликдаги мажмуавий технологик схемали саноат корхоналари ҳаётий циклини бошқариш бўйича қарорларни қўллаб-қувватловчи кўп агентли тизимларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўз таркибига газни сепарациялаш заводи, этилен, полиэтилен, полипропилен ва умумзавод хўжалигини бирлаштирувчи ишлаб чиқариш кластери учун ишлаб чиқилган мультиагентли интеграллашган ахборот-бошқариш тизими Устюрт газкимё мажмуасида жорий этилган («O‘zbekneftgaz» АЖ нинг 2020 йил 23 июндаги 08/41-2-370-сон маълумотномаси). Натижада, технологик жараён тўғрисидаги ахборотларни тезкор таҳлил қилишга сарфланадиган вақтни қисқартиришга эришилган;

тақсимланган маълумотлар базалари ҳамда ахборот оқимларини интернет/интранет технологиялари ёрдамида интеграциялаш алгоритми Устюрт газкимё мажмуасида жорий этилган («O‘zbekneftgaz» АЖ нинг 2020 йил 23 июндаги 08/41-2-370-сон маълумотномаси). Натижада, жараён боришининг технологик режими барқарорлигига эришилган ва унинг ишлаш самарадорлиги оширилган;

ноаниқлик ва хавф-хатар шароитларида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи тизим алгоритми Устюрт газкимё мажмуасида жорий этилган («O‘zbekneftgaz» АЖ нинг 2020 йил 23 июндаги 08/41-2-370-сон маълумотномаси). Натижада, ахборот технологиялари асосида бошқариш масалаларини самарали ечиш таъминланган;

ассоциатив хотира асосида интеллектуал агентларнинг ўзаро таъсирлашув алгоритми Устюрт газкимё мажмуасида жорий этилган («O‘zbekneftgaz» АЖ нинг 2020 йил 23 июндаги 08/41-2-370-сон

маълумотномаси). Натижада, интеллектуал агентларнинг ўзаротаъсирлашув самарадорлиги, шунингдек қабул қилинадиган бошқариш қарорларини ишончлилиги ва аниқлиги оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 3 та халқаро илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган**.**

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусибўйича 7 та илмий иш, жумладан, ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда 3 та, халқаро журналларда 2 та мақолачоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 121 саҳифали машина ёзувли матндан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** диссертация тадқиқоти предмети соҳаси назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолатини танқидий таҳлилига бағишланган. Унда мураккаб юқори технологик ишлаб чиқаришларни лойиҳалаш масалаларининг қатор инновацион ечимларини қўлланилиши кўриб чиқилган. Ахборотлаштириш объектига яққол мисол сифатида бугунги кунда лойиҳалаштирилаётганUzbekistan Gas To Liquid (UzGTL) ишлаб чиқариш мажмуаси тавсифланган. Ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришни оптималлаштириш бўйича АТ-ечимларини мажмуага жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги батафсил тавсифланган. Асосий эътибор, Experion Orion платформаси асосидаги операторлик консолини қўллашдан иборат бўлган, инсон-машина интерфейсини эргономикасига бўлган мутлақо янги ёндашувга қаратилган.

«Саноат 4.0» стратегияси доирасида раҳбариятнинг ишлаб чиқариш объектини ахборотлаштиришни энг юқори сатҳини жорий этиш бўйича стратегик қарорини қабул қилмасдан мураккаблиги юқори даражада бўлган лойиҳаларни амалга оширишни имкони йўқ. Айнан объектни тўла ахборотлаштириш – лойиҳалаштиришда асосий ёндашув ва муваффақият гаровидир. Бундай жиҳатни, дастлаб, ишлаб чиқариш жамиятини глобал ахборот фазосига интеграциялашувида, кейин эса, бутун фуқаролик жамиятини рақамлаштиришда кўриш мумкин бўлиб, у тараққиёт ва маданият даражасининг ўсиш кўрсаткичи ҳисобланади.

Шундай қилиб, ахборот-бошқариш тизимларининг ҳаётий циклини бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлашнинг

мультиагентли тизимларини қуришнинг долзарб муаммоси мавжуд бўлиб, бундай тизимлар, ишлаб чиқаришни бошқаришни оптимал режимларини шакллантириш ва уларни амалга ошириш борасида ишлаб чиқариш технологик вазиятларини тизимли таҳлил қилиш ва башоратлаш учун тадқиқот объектини бошқаришнинг экстремал режимларини амалга ошириш учун мўлжалланган. Масалани ечиш учун ишлатилаётган маълумотларни таҳлил қилишнинг янги технологиялари: сақлаш омборлари ёки шунчаки омборлар, Data Warehouse (DW) маълумотлари витриналарининг ретроспектив ахборотларнинг жуда катта объектлари билан тезкор ишлаш ва ахборот тўплашнинг зарурлигига боғлиқдир.

Қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимларини қуриш ва уларга алоқадор бўлган масалаларини таҳлил ва оператив-башоратли бошқариш илгари ҳам кўриб чиқилган. Бироқ уларни ечиш самарадорлиги паст бўлган, типик математик технологияларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш технологик вазиятларнинг ривожланишини башоратлаш аппарати ниҳоятда кичик ҳажмларда фойдаланилган

Диссертациянинг **иккинчи бобида** мультиагентли ахборот-бошқариш тизимларини синтезлаш масалаларида концептуал моделлаштириш масалалари илгари сурилади. Мультиагентли тизимлар (МАТ) ни бошланғич ахборотлар етишмовчилиги ва ноаниқлиги шароитларида, кучсиз шакллантирилган ҳодисаларни катта ҳажмини ҳисобга олишни талаб этувчи, мураккаб ва итерацион ахборот-ҳисоблаш тармоқлари ва тизимлари каби лойиҳалаш жараёни амалга оширилган.

Синтезланадиган МАТни қуйидаги компонентларнинг тартибланган шакли сифатида кўриб чиқамиз:

$$<\Omega, A, B, N, \Theta>, \quad (1)$$

бу ерда **Ω** ва А – тизимнинг мақсади ва вазифалари; В – тизимнинг амалга оширилиши; N – Ω, A, B элементларнинг кўплиги; Θ – тизим фаолиятини ташкил этилиши..

(1) кортеждаги ҳар бир компонентни у ёки бу турдаги математик модель деб қараш мумкин. Тизим таркибига кирувчи объектлар тўплами ва улар ўртасидаги муносабатлар тўпламларини кўриб чиқамиз.

Мультиагентли тизимлар турли масалаларни ечиш учун яратилиши мумкин, бунда уларда айланувчи ахборотларнинг ўзига хослиги яратилаётган тизим архитектурасига бўлган аниқ талабларни белгилаб беради. Бунда, асосий эътиборни, ахборот оқимларини бошқаришга қаратиш лозим. МАТ ни абстракт ахборот объектлари тўплами сифатида тасаввур қиламиз:

$$s = \{s_j\}. \quad (2)$$

Ҳар бир $S_i \epsilon S$ объектга, унинг ҳолати X_{S_i} ни тавсифига мос равишда, қуйидаги кўринишдаги кортежни келтирамиз:

$$x_{s_i} =< A_{s_i}, Ds_i >, \quad (3)$$

бу ерда$A_{S_i} = \{a_{s_i}^1, a_{s_i}^2, \dots, a_{s_i}^n\}$– i-ахборот объекти хоссаларининг номлари

тўплами;$D_{S_i} = \{d^1_{s_i}, d^2_{s_i}, \dots, d^n_{s_i}\}$– i-ахборот объектининг мос хоссаларини доменлари тўплами.

Ахборот объектлари тўплами қуйидаги ахборотларнинг ҳолатлари тўплами билан тавсифланади:

$$X_s = \{Xs_i\}. \quad (4)$$

X_sтўплам асосида функционал муносабатларни ўрнатиш мумкин:

$$R=\{r_i\}, \quad (5)$$

бу ерда$R \in X_s \times X_s$–X_{s_i} ҳолатлар алмашинуви билан аниқланадиган функционал муносабатлар тўплами, яъни ахборотларга ишлов бериш функциялари тўплами (масалан, r_1– олинган ахборот, r_2 – ахборотларни узатиш, r_3 – ахборотларга ишлов бериш, r_4 – ахборотларни сақлаш, r_5 – ахборотни акс эттириш ва шу кабилар).

Бу функцияларнинг ҳар бирини уларнинг ҳолатини тавсифига мос бўлган қуйидаги кўринишли кортежга қўямиз:

$$X_{R_i} =< A_{R_i}, D_{R_i} >, \quad (6)$$

бу ерда$X_{S\Omega}$– ишлов беришнингi-функцияси хоссалари номларини тўплами; $D_{R_i} = \{d^1_{R_i}, d^2_{R_i}, \dots, d^n_{R_i}\}$– ишлов беришнинг i-функциясига мос келувчи доменлар тўплами.

Кўриб чиқилаётган тизим ишлаганида ахборотлар ҳолатлари тўплами Xs ва функционал муносабатлар тўплами R ларнинг элементлари ахборотлар ҳолатларини ўзгариш графи $G_S(1)$ ни ҳосил қилади, бунда мос тармоқларда ахборотларга ишлов беришжараёнини акс эттирувчи $G^1_S, G^2_S, \dots, G^k_S$ва шу каби остграфларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ажратиб кўрсатилган остграфлар тармоқлараро ўзаротаъсир билан боғланган.

Тармоқнинг дастурий-техник мажмуаси (ДТМ) элементлари тавсифларини тавсифлаш учун дастурий-техник модуллар (ДТМ) тўпламини киритамиз:

$$W=\{W_i\}, \quad (7)$$

бу ердаW_i – ахборот-бошқариш тизими (АБТ)нинг ДТМ модули, у аппаратли ёки дастурий блок бўлиши мумкин.

Ҳар бир $W_i \in W$дастурий-техник модулга, унинг X_{W_i} ҳолатини тавсифига мос равишда, қуйидаги кортежни тузамиз:

$$X_{W_i} =< A_{W_i}, D_{W_i} >, \quad (8)$$

бу ерда $A_{W_i} = \{a^1_{W_i}, a^2_{W_i}, \dots, a^n_{W_i}\}$– ишлов беришнинг i-функциясини хоссалари номларини тўплами; $D_{W_i} = \{d^1_{W_i}, d^2_{W_i}, \dots, d^n_{W_i}\}$– мос атрибутларнинг доменлари тўплами.

Дастурий-техник модулларнинг тавсифлари АБТ ларининг ДТМларини ҳолат модуллари тўплами билан тавсифланади:

$$X_W = \{X_{W_i}\}.$$

Тармоқ дастурий-техник модуллари ҳар бирининг муҳим хоссаларидан бири уларни бошқа модуллар билан аппаратли ёки дастурий мос келиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам АБТ ларининг ДТМ лари модулларини

ҳолатлари тўплами X_W да ўзаромослик муносабатини ажратиш лозим:

$$H=\{h_i\}, \quad (9)$$

бу ерда $H \in X_W \times X_W$ –турли дастурий-техник модулларни боғловчи ўзаромослик муносабатлари тўплами.

Тўплам X_Wэлементлари ва H ўзаромослик муносабатлари АБТ ДТМ элементлари ҳолатини ва улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни акс этирувчи G_W графни ҳосил қилади.

Ихтиёрий АБТ ни кўрган ҳолда, шуни сезиш мумкин-ки, X_R ва X_Wфункционал ҳолатлар ўртасида қуйидаги ифода билан аниқланадиган муносабат мавжуд:

$$Q \in X_R \times X_W. \quad (10)$$

(10) ифодани АБТ ДТМ ни типик модуллари ахборотларига ишлов беришни типик функцияларига мувофиқ акс эттириш лозим.

АБТ ларни яратиш дастурий ва техник таъминотнинг стандарт компонентлари асосида амалга оширилади. У ёки бу стандарт ҳисоблаш тизимлари (ҲТ) га қўйиладиган чекланишларни ҳисобга олиш учун АБТ ни стандартлари тўпламини киритамиз:

$$V=\{V_i\}, \quad (11)$$

бу ердаV_i– АБТ нинг у ёки бу стандарти.

X_Vва ДТМ модулининг ҳолати X_Wўртасида қуйидаги ифода билан аниқланадиган муносабат мавжуд:

$$E \in X_W \times X_V. \quad (12)$$

АБТ нинг ҳар бир $V_i \in V$ стандартига, унинг X_{V_i} ҳолати тавсифига мос равишда қуйидаги кўринишли кортежни тузамиз:

$$X_{V_i} =< A_{V_i}, D_{V_i} >,$$

бу ерда $A_{V_i} = \{a^1_{V_i}, a^2_{V_i}, \dots, a^n_{V_i}\}$ – АБТнингi-стандарти хоссаларини номлари тўплами; $D_{V_i} = \{d^1_{V_i}, d^2_{V_i}, \dots, d^n_{V_i}\}$– мос атрибутлар доменлари тўплами.

АБТ нинг маълум стандартига ўзига хос дастурий-техник модуллар тўплами мос келади. Унда АБТ стандартлари йиғиндиси АБТ стандартларининг ҳолатлари тўплами $X_V = \{X_{V_i}\}$билан акс эттирилади.

АБТ нинг у ёки бу стандартига мос келувчи дастурий-техник модуллар тўплами X_W осттўпламларни ҳосил қилади. Стандарт модулларнинг бундай осттўпламларини $X^{st}_{W_i}$ билан белгилаймиз, бунда $X_W = \bigcup_l X^{st}_{W_i}$бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозим-ки, АБТ объектларини таклиф этилган таснифи ва ушбу объектлар ўртасида аниқланган муносабатлар, АБТ ларни ташкил этишнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланувчи модулли тамойил асосида, стандарт унификациялашган модуллардан тармоқларни қуришни таъминлаш имконини беради.

АБТ объектлари ҳолатларининг таснифи ва объектлар ўртасида муносабатларни мавжудлиги **Ω**, F, C, K ваΘ тизимли элементлари ўзида моделларни акс эттирувчи ахборот-бошқариш тизимларини лойиҳалашда ҳолатлар тавсифини қуриш ва муқобилни танлаш имконини беради.

Ҳисоблаш тизимларининг мақсад моделини қуйидаги кортеж

куринишида ифодалаймиз:

$$\Omega =< X_{\Omega}, \boldsymbol{\Psi}, \boldsymbol{U} >, \qquad (13)$$

Амалиётда кўпинча, лойиҳалашнинг техник топшириғида ахборот ҳолати, ДТМ модуллари ва тармоқ стандарти тавсифларининг талаб этилган қийматлари, яъни тизимнинг мақсадли ҳолати берилган вазиятлар учрайди. Бундай ҳолларда тизимнинг мақсадли ҳолатини миқдор ва сифат бўйича тавсифларини аниқлаш орқали берилган X_{Ω} тўпламли кортежнинг биринчи элементига эга бўламиз. X_{Ω}тўпламда қуйидаги осттўпламларни ажратиб кўрсатиш мумкин: $X_{S\Omega}$ – ахборотларнинг кутилган ҳолатлари ост тўплами, $X_{W\Omega}$– ДТМ модулларининг кутилган ҳолатлари осттўплами, $X_{V\Omega}$ – ҲТ стандартининг кутилган ҳолатлари осттўплами.



1-расм. Ахборотлар ҳолатларини ўзгариш графи

Маълум-ки, бунда қуйидаги муносабат ўринлидир:

$$X_{\Omega} = X_{S\Omega} \cup X_{W\Omega} \cup X_{V\Omega}, X_{S\Omega} \cup X_{W\Omega} \cup X_{V\Omega} = \emptyset\,.$$

(13) кортежнинг иккинчи элементи ўзида тизим самарадорлиги мезонларининг векторини намоён этади ва бунинг учун тизимнинг мумкин бўлган ҳолатлари соҳаси доирасида оптимумни топиш лозим бўлади:

$$\underset{x \epsilon \Theta_x}{opt} \boldsymbol{\Psi}\,(\boldsymbol{\Psi_1}\,(\overline{\boldsymbol{x}}), \boldsymbol{\Psi_2}\,(\overline{\boldsymbol{x}}), \ldots, \boldsymbol{\Psi_l}\,(\overline{\boldsymbol{x}}));$$

$$\Theta_x = \{\bar{x} \mid \Phi_1(\overline{\boldsymbol{x}}) \geq 0, \Phi_2(\overline{\boldsymbol{x}}) = 0\}; \qquad (14)$$

$$\bar{x} = (x_1, x_2, \ldots, x_n);$$

бунда $\bar{x}$ – тизим ҳолатлари вектори; Θ_x– тизимнинг мумкин бўлган ҳолатлари соҳаси бўлиб, тенглик ёки тенгсизлик каби чекланишлар билан берилади.

(13) кортежнинг учинчи элементи U қарор қабул қилувчи шахс (ҚҚҚШ) нинг афзаллик муносабатини тавсифлайди ҳамда ҚҚҚШ афзаллиги функциясини шакллантиришни таъминлайди. Бу муносабатлар ахборотларнинг ҳолатлари тўплами X_s, АБТ ДТМ модулларининг ҳолатлари тўплами X_w ва АБТ стандартларининг ҳолатлари тўплами X_V орқали аниқланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, муносабат U, нафақат айрим дастурий-

техник модулларнинг афзаллигини, балки модулларнинг бутун бир гуруҳини ҳам шакллантиради, яъни у гипермуносабатлар синфига мансубдир.

Шундай қилиб, тизимли декомпозиция асосида АБТни лойиҳалаш жараёнини концептуаль модели қурилган бўлиб, лойиҳалаш масалаларини ечишга бўлган умумий ёндашувларни асослаш имконини беради. Бошланғич ахборотлар ноаниқ бўлган шароитларда концептуаль модель лойиҳавий қарорларни синтезлашнинг аниқ усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **учинчи боби** саноат корхоналарини бошқариш самарадорлигини FORGE дастурий-аналитик платформа асосида ошириш масалаларига бағишланган.

Диссертация тадқиқоти устида олиб борилган ишлар доирасида ишлаб чиқариш корхонасининг мураккаб технологик жараёни учун мультиагентли тизимни ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Мазкур алгоритмни амалга оширишнинг асосий мисоли сифатида Устюрт газкимё мажмуасининг газни ажратиш бўйича заводи ишлаб чиқариш жараёнини асосий қисми ҳисобланувчи табиий газни аминли тозалаш технологик жараёни қабул қилинган. Табиий газни аминли тозалаш жараёни КАТини ҳисоблаш алгоритми, ҳар бири ўзининг оптимал қўшимча коэффициентини ҳисоблашни амалга оширувчи, бир нечта катталиклар (ҳарорат, босим, амин концентрацияси, кирувчи оқимдаги газлар концентрацияси) га боғлиқ ҳолда қўшимча назарий коэффициентнинг оптимал қийматини танлашдан иборат.

Мазкур алгоритмни амалиётда қўлланилиши жараён энергия сарфини ҳамда метилдиэтаноламин эритмасини учиб кетиши туфайли йўқотилишини камайтиришга ёрдам беради. Газ анализаторини ўлчаш натижалари ва сарфларнинг параметрлари бўйича олинган маълумотлар асосида тўғриланадиган оптимал қўшимча коэффициентни ҳисоблаш алгоритмини структураси ва блок-схемаси 2-расмда келтирилган.

Қўшимча коэффициентлар қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$K = \frac{(100 - K_{\text{жор.қиймат,\%}})}{100} \qquad (15)$$

$K_{\text{ум}}$қийматни аниқлаш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланилади:

$$K_{\text{ум}} = \sum_{i=1}^{n} K_i \,/n, \qquad (16)$$

бу ерда n - қўшимча коэффициент (n=4), K_i - концентрацияга боғлиқлик коэффициенти.

Бугунги кунда интеллектуал интеграллашган тизим (ИИТ) ларни ишлаб чиқишда юқорида келтирилган йўналиш ўринлидир. Уларнинг барчаси у ёки бу дастурий пакетлар ёки тизимлар билан қўллаб-қувватланади. Шу билан биргаликда, мавжуд тизимларнинг ҳеч бири интеллектуал интеграллашган тизимларни қуришни келтирилган тамойилларига жавоб бермайди. Уларнинг ҳеч бири маҳсулот ҳаётий цикли (МҲЦ) ни барча босқичларини бажарилишини таъминламайди. Уларнинг энг яхшиларигина билимлар билан ишлаш бўйича бошланғич даражага эга, шунинг учун ҳам ҳар бир корхонада кам даражада йўлга қўйилган.



2-расм Табиий газни тозалашни ҳисоблаш алгоритми.

Рефератланаётган ишда, замонавий саноатни рақамлаштириш муҳитларидан бири – Honeywell компаниясининг FORGE дастурий-аналитик платформасида амалга оширилган ишланмалар келтирилган бўлиб, улар ягона портал ойнасида саноат корхонасининг барча ахборотлаштириш ва автоматлаштириш тизимларидан олинаётган консолланган маълумотларни визуаллаштириш имконини беради. FORGE платформаси ўзида нафақат турли интерфейслар тўпламини интеграциялаш йўли билан олинган маълумотларни визуаллаштириш учун дастурий қобиқни, балки катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлайдиган ва саноат Интернет буюмлари (IOT) концепцияси асосида қурилган тўлақонли ҳисоблаш ва систематик платформани намоён этади. Кўриб чиқилаётган концепция барча манбалардан келаётган маълумотларни максимал рақамлаштириш, тадқиқот объектларининг барча активларини моделлаштириш, моделлар вазифаларининг турли жиҳатларини проекциялаш, реал жисмоний активлардан то ушбу активларнинг виртуал рақамли жуфтларини моделларигача бўлган катта ҳажмли маълумотлар – BIG DATA аналитикасининг қатор услубларини қўллашдан иборат.

Диссертация тадқиқотининг **тўртинчи боби** «Саноат 4.0» синфидаги кибер-жисмоний тизимларни амалга оширишда инновацион АТ-ечимларини қўллашни акс эттиради.

Рефератланаётган диссертация тадқиқотида кўриб чиқилаётган UzGTL лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишнинг стратегик мақсади лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки босқичларидан то саноат корхонаси ҳаётий циклини сўнгги, тугалловчи босқичигача кенг доирадаги экспертларни жалб этишдан иборат.

МАС-контрактор сифатида Honeywell халқаро компанияси танланган. Саноат корхонасининг ахборот моделини таҳлил қилиш ва синтезлаш услубияти 3-расмда акс этирилган.



3-расм. Корхона ахборот моделини таҳлил қилиш ва синтезлаш услубияти

Honeywell фирмасининг Process History Database (PHD)серверли платформасини соддалаштирилган архитектураси 4-расмда кўрсатилган. У саноат объектининг кибер-хавфсизлиги стандартига тўла мос равишда қурилган.



4-расм. PHD серверли платформанинг соддалаштирилган архитектураси

PHD серверли платформанинг реал вақт бўйича маълумотлар базаси (РВМБ) маълумотларни тўплаш функциясидан ташқари, UzGTL саноат мажмуасининг ахборот моделини барча юқори сатҳларига маълумотларни тақдим этишдан иборат муҳим функцияни ҳам бажаради. Ишлаб чиқариш

маълумотларини баланслаш тизими тасодифий ва қўпол хатоликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш услубияти (статистик таҳлил орқали маълумотларни тозалаш, моддий ва энергетик балансларни, оптималлаштириш шартларининг алгоритмларини математик ҳисоблаш ва бошқалар) га йўналтирилган.

Бу усулларнинг барчаси датчиклар, ўлчаш ўзгарткичлари ва асбобларидан олинадиган “хом (ишлов берилмаган) маълумотлар”ни “мувофиқлаштирилган ишончли маълумотларга” ўзгартириш учун ишлатилади. Data Reconciliation функционали 5-расмда акс эттирилган.



5-расм. Ишлаб чиқариш маълумотлари балансларини мувофиқлаштириш тизимининг функционал имкониятлари

Рефератланаётган диссертация ишида замонавий саноат корхоналарида, жумладан, лойиҳаланаётган UzGTL да ҳам саноат Интернет буюмлари (IoT) ни қўлланилиши акс эттирилган. Интернет буюмлари ва уларнинг қўлланилиш соҳасидаги, маҳсулот ва бутун корхона ҳаётий циклини бошқариш самарадорлигини оширишни таъминловчи, замонавий ишланмалар кўриб чиқилган. Кўп манбалардан келувчи маълумотларни интеграциялашуви ва катта ҳажмли маълумотларга ишлов беришнинг, технологик ва энергетик режимларни оптималлаштириш йўли ҳамда бузилишларни башоратлаш воситаларини жорий этиш орқали корхоналар фаолиятининг ишончлилиги ва самарадорлигини оширишнинг илмий муаммолари илгари сурилган. Кўриб чиқилаётган муаммоларни ечими сифатида, тадқиқот ишида, концепция, услубият баён этилган ҳамда Honeywell компаниясининг маълум ахборот технологиялари натижаловчи хулосалари билан келтирилган.

Ишлаб чиқаришни бошқариш тезкорлигини оширишга бошқаришнинг турли поғоналари ва структуралари ўртасида буйруқ ва ахборотларни узатишда инсон омилини йўқотиш ҳисобига эришилади,бошқариш қарорларини қабул қилишнинг объективлиги ва аниқлигини ошириш

эсажихозларнинг ҳолати ҳақидаги ишлаб чиқариш ва технологик маълумотларни интеграциялаш ҳисобига таъминланади. Таклиф этилаётган концепциянинг мажбурий элементи – MES-осттизими бўлиб, у ишлаб чиқаришдаги турли манбалар, жумладан, очиқ интернет иловалари ва веб-браузерлар асосидаги иқтисодий муҳитдаги маълумотлар манбаларидан олинадиган ва технологик жараён ҳақидаги ахборотларни бошқариш ва таҳлил қилиш, ўзаро таъсирлари ва визуаллаштиришни таъминлайди.

Ҳеч бир муболағасиз, шуни таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда амалга оширилаётган UzGTL лойиҳасини «Саноат 4.0» киберфизик тизимларини амалга ошириш синфидаги инновацион ва юқори технологик лойиҳаларнинг ёрқин флагмани деб аташ мумкин. Лойиҳа раҳбарияти ва бевосита ижрочилари томонидан технологик мажмуанинг ахборот моделлари концепциясини яратиш ва амалга ошириш учун танланган ёндашув лойиҳани янада юқори савияда, сифатли бажариш имконини беради. Кўриб чиқилаётган концепцияда ўзини-ўзи доимий оптималлаштириш механизмини қўйилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу модель ишлаб чиқариш мажмуаси учун бошқа ишлаб чиқариш кластерлари билан интеграциялашув ҳамда дунё умумпланетар даражаси – глобал ахборот тармоғидаги Honeywell аналитик булутига ахборотларни узатиш каби янги горизонтларини очади, бу объект ишини бошқа шунга ўхшаш объектлар иши билан синхронлаш, шунингдек технологик жиҳозларни ишлаб чиқарувчи-экспертлари ҳамда технологик жараёнларнинг лицензиялари эгалари билан тезкор ва аниқ тавсиялар учун бевосита уланишни таъминлаш имконини беради.

ХУЛОСА

“Юқори мураккабликдаги мажмуавий технологик схемали саноат корхоналарининг ҳаётий циклини бошқариш қарорларини қўллаб-қувватлашнинг кўп агентли тизимларини ишлаб чиқиш” диссертация ишини бажариш жараёнида қуйидаги янги илмий натижалар олинган:

1. Ишлаб чиқаришнинг жорий вазиятларини мониторинг қилиш асосида саноат корхоналарининг ҳаётий циклини бошқариш бўйича тезкор қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи мультиагентли ёндашувни амалга оширишга мўлжалланган, мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни такомиллашган рақамли бошқаришнинг Advanced Process Control and Optimization APC-тизимлари асосида қўйилган, саноат корхоналари ҳаётий циклини бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи киберфизик мультиагентли тизимларини қуришнинг асосий тамойиллари, усуллари ва алгоритмлари асосланган.

2. Тизимли декомпозициялаш усуллари асосида саноат корхоналари ҳаётий циклини бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи мультиагентли тизимларнинг концептуал модели қурилган бўлиб, у дастурий-техник модуллартехник тавсифлари, шунингдек мультиагентли тизимлар стандарти билан чегараланган MAT топологик структураларини танлаш (топологияларни танлашда бошланғич маълумот

сифатида абонентлар тракти (элементлар уйғунлиги) нинг функцияларидаги маълумотлар олинади) масалаларини ечишга бўлган умумий ёндашувларни асослаш имконини беради.

3. Автоматлаштириш объектларининг бутун цикли бўйлаб ишлаб чиқариш технологик жараёнлари узлуксиз бўлган саноат корхоналари учун қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи интеграллашган бошқариш услубияти ишлаб чиқилган.

4. Рақамлаштиришнинг монанд концепциясини яратиш учун бошқаришнинг учта – майдоний локал автоматика осттизимлари, MES (Manufacturing Execution System) ҳамдаресурс ва захираларни бошқаришнинг ERP (Enterprise Recourse Planning) тезкор-диспетчерлик бошқаруви сатҳларида қуйидагилар аниқланган: бошқариш субъекти; бошқаришни таркиби ва сатҳларини тузилиши; шунингдек мавжуд структурага тегишлилиги бўйича ечиладиган масалаларнинг барча спектри учун бошқариш амаллари ранглланган; бошқариш объектларининг ҳаётий циклини барча босқичларида уларни ривожланиши энг яхши йўналишлари тизимли аниқланган; бошқаришнинг асосий сатҳларида ечиладиган масалалар шакллантирилган ва дастурий-алгоритмик тарзда амалга оширилган.

5. Билимлар ва маълумотларга ишлов беришнинг таклиф этилган архитектураси доирасида тугунларида локал объектлар билан координацион боғланган интеллектуал агентлар жойлашган мультиагентли тизимнинг веер структураси кўринишидаги федератив архитектураси таклиф этилган; агентлар коммуникациясининг парадигмаси, тақсимланган мультиагентли структураларда бошқаришнинг стратегияси аниқланган ҳамда агентларни координациялаш ва кооперациялаш тамойиллари ишлаб чиқилган.

6. Uzbekistan Gas To Liquid (UzGTL) лойиҳаси мисолида мажмуавий юқори технологик ишлаб чиқаришда инновацион АТ-ечимларини қўллаш, Experion Orion платформаси базасида “келажак операторлари консоли” инсон-машина интерфейси эргономикасига бўлган янги ёндашув асосида саноат ишлаб чиқаришини тезкор бошқаришни оптималлаштириш имконини беради.

7. Замонавий саноат корхоналарини рақамлаштириш соҳасида FORGE дастурий-аналитик платформасидан фойдаланилган бўлиб, у бошқаришнинг барча осттизимларидан келадиган, визуал аналитика шаклидаги, консолланган маълумотларни ягона портал ойнасида визуаллаштириш имконини беради.

8. Саноат ишлаб чиқаришлари ва мураккаб технологик жараёнларини оптималлаштириш масалаларини ечишда саноат Интернет буюмлари булутли технологияларини қўллаш, ишлаб чиқариш жараёнлари боришининг ўзгарувчан шароитлари доирасида саноат ишлаб чиқаришини ишончлилиги ва самарадорлигини узоқ муддатли йўл харитаси асосида ошириш ҳамда бошқариш қарорларини қабул қилиш вақтини қисқартириш имконини беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.T.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУРАСУЛОВ ФАХРИТДИН РАУПОВИЧ

РАЗРАБОТКА МНОГОАГЕНТНЫХ СИСТЕМ ПОДДЕРЖКИ РЕШЕНИЙ ПО УПРАВЛЕНИЮ ЖИЗНЕННЫМИ ЦИКЛАМИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ С КОМПЛЕКСНЫМИ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМИ СХЕМАМИ ВЫСОКОЙ СЛОЖНОСТИ

05.01.08 – «Автоматизация и управление технологическими процессами и производствами» (технические науки)

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.2.PhD/T700.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Адилов Фарух Тулкунович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Марахимов Авазжон Рахимович**
доктор технических наук, профессор

Авазов Юсуф Шодиевич
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация: **Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «14» 10 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №164). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.)

Автореферат диссертации разослан «8» 10 2020 года.
(реестр протокола рассылки №20 от «13» 09 2020 года)

Н.Р.Юсупбеков
председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор, академик

У.Ф.Мамиров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии по техническим наукам (PhD)

Х.З.Игамбердиев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире современные концепции управления сложными технологическими процессами и производствами базируются на парадигме человеко-машинной организации процессов управления, в которой роль принятия управленческих решений на всех стадиях жизненного цикла сложных систем отводится человеку, а вычислительная машина обеспечивает информационную поддержку этапов выработки и генерации альтернативных вариантов решений. В этой области особое внимание уделяется разработке многоагентных систем поддержки решений для увеличения надежности современных систем управления, наряду с живучестью, безопасностью, эффективностью управления, в связи с этим особой задачей является использование многоагентных систем поддержки для решения задач управления сложными технологическими процессами в условиях неопределенности.

В мире ведутся научно-исследовательские работы с использованием систем поддержки принятия решений, обеспечивающих корректность решения задач управления сложными объектами за счет инфокоммуникационной поддержки конечного пользователя на различных этапах жизненного цикла создаваемой системы при помощи совокупности технологически взаимосвязанных сервисов, реализующих традиционные и перспективные информационные технологии. В этой связи осуществление целенаправленных исследований, в том числе, разработка многоагентных систем поддержки решений систем управления; повышение эффективности, надёжности и расширение функциональных возможностей сложных систем за счет использования интеллектуальных систем поддержки решений, считается одной из важных задач.

Сегодня в республике особое внимание уделяется вопросам разработки высокоэффективных мультиагентных систем поддержки принятия решений по проактивному управлению жизненными циклами промышленных предприятий, в которых реализуются современные комплексные технологические схемы высокой сложности, соответствующие методологии «Индустрии 4.0 и цифровой экономики». В «Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» поставлена ответственная задача: «...дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»[2]. Для достижения поставленных задач существенно важным вопросом является разработка

[2]Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнешему развитию Республики Узбекистан» УП-4047 от 7 февраля 2017 года.

многоагентных систем поддержки решений по управлению жизненными циклами промышленных предприятий.

